

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 22-ЯНВАР, СЕШАНБА, 9 (8090)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Ўз меҳнати, ўз тадбиркорлиги билан даромад топаётган одам муостақил ва эркин бўлади. Болаларини ҳам шундай фикрда, шундай руҳда тарбиялайди. Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, давлатимиз шу сиёсатни давом эттирса, ҳар бир одам мен ўз меҳнатим билан ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ишонч билан яшайди.

Ислон КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этдики, глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганига қарамай, 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш натижасида иқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий муносиблик, аҳоли ҳаёт даражасининг барқарор ўсиши ва мамлакатнинг жаҳон бозоридаги макрөкин мустақамлаш таъминланди.

Ялпи ички маҳсулот 8,2 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми – 7 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми – 11,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 13,9 фоизга ўсди. Инфляция суръатлари режалаштирилган даражада сақланди ва 7 фоиздан ошмади.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга барча харажатларнинг 59,2 фоизи йўналтирилди. Бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар бир йилда ўртача 26,5 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса – 17,5 фоизга ўсди.

Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизи ташкил этган асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг ошириши иқтисодиёт ўсиши барқарор юқори суръатларининг ва унинг тузилмаларини диверсификациялашнинг асосий манбаи бўлди. 11,7 миллиард доллар-

га тенг миқдорда ёки 2011 йилдагига қараганда 14 фоиз кўп инвестициялар жалб этилди. Барча инвестицияларнинг 22 фоиздан ортигини ёки 2,5 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил этди, улардан 79 фоиздан ортиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Барча инвестицияларнинг 74 фоизга яқини ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилди. 205 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Экспорт ҳажми 11,6 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 1,12 миллиард доллардан ортиқ миқдорда таъминланди. Экспорт таркибиде хом ашё бўлмаган тайёр товарлар экспорти 70 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Молия-банк тизими барқарор ишлаб, 2012 йилда унинг жами капиталга 24,2 фоизга, депозитлар ҳажми – 31,5 фоизга, шу жумладан аҳоли депозитлари – 34,6 фоизга кўпайди. Банкларнинг инвестиция мақсадлари учун ажратилган узоқ муддатли кредитлари ҳажми 30,7 фоизга кўпайди.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилди – 80 та руҳсат берувчи тартиб-қоидалар, фаолиятнинг 15 турини лицензиялаш бекор қилинди, статистика, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботларни тақдим этиш шакллари ва даврийлиги 1,5-2 бараварга қисқартирилди. Бу 2012 йилда кичик бизнеснинг 23 миңтадан ортиқ янги субъектлари ташкил этилишига кўмаклашди. Ялпи

ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоизгача ўсди, унинг экспорти ҳажми эса 2,2 миллиард доллардан ортиқ бўлди.

Хизматлар соҳаси, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш (24,5 фоизга), компьютер дастурлаштириш (18 фоизга), технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш (17 фоизга), молия-банк хизматлари (17,6 фоизга) сингари хизматларнинг юқори технологик ва бозорга хос турлари юқори суръатлар билан ривожланди. Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 52 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Аҳоли бандлиги дастурларини амалга ошириш доирасида 973,5 миңта, шу жумладан қишлоқ жойларда 602,4 миңтадан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Касб-ҳунар коллежларининг 2012 йилда ўқишни тамомлаган 450 миңтадан ортиқ битирувчиларини ишга жойлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга ҳудудларни комплекс ривожлантиришни, энг аввало саноатни ривожлантириш, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал хом ашёни чуқур қайта ишлаш, қишлоқ жойларда замонавий хизматлар ва сервис соҳасини ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига комплекс ривожлантиришни таъминлаш борасида анчагина фойдаланилмаётган захира-лар ва имкониятлар мавжуддир. Самарқанд, Бухоро, Сирдарё, Жиз-

зах, Сурхондарё вилоятларида ва бошқа вилоятларда мавжуд салоҳиятдан султ фойдаланилмоқда.

Иқтисодий инқироз давом этган ва жаҳон иқтисодиётининг ўсиши суръатлари пасайиб бораётган бир шароитда ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда хизматларнинг замонавий турларини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифimini қисқартириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2. Иқтисодиётда эришилган марралар, истиқболга мўлжалланган узоқ муддатли мақсадлар, жаҳон бозоридеги реал ва юзага келиши прогнозлаштирилган вазиятдан келиб чиқиб, кўйилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари этиб белгилансин:

иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш;

иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва қўламлигини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш;

йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривож-

лантириш;

мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шартини ва манбаи сифатида фол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур ишбилармонлик муҳитини яратиш;

иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакат аҳолиси бандлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини изчил оширилишини таъминлаш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, йилнинг ҳар чорагида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва соҳаларида ишларнинг ҳолати тўғрисида вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда 2012-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурларини танқидий қайта кўриб чиқсин. (Давоми 2-саҳифада)



Самарқанд Вилояти

ИПАК ҚУРТИ БОҚИЛАДИГАН ЯНГИ МАЖМУА

Жомбой тумани Деҳқонобод кўрғониде сўнгги русумдаги технологиялар, лабораториялар билан таъминланган ҳамда жаҳон аңдозлари асосида йилга икки марта пилла етиштиришга мослаштирилган ипак қурти боқиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ишга тушди.

Кейинги пайтларда ҳудудларда пилла етиштириш ва қайта ишлашни кучайтириш мақсадида замонавий комплекслар ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Самарқанд вилоятида биринчилар қаторида барпо этилган бундай мажмуа ана шундай саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Мазкур мажмуада ҳар бири 240 метр квадрат бўлган ёруғ, кенг ва ҳароратни мўтадил сақлаб турувчи қурилмалар, кўп қаватли сўриларга эга қурувоналар мавжуд. Уларда ҳар боқувда 70 кутигача ипак қуртининг сифатли парвариш қилиш мумкин.

Мажмуа таркибиде ишчи-хизматчилар учун саргарошхона, ошхона, ҳаммом, озиқ-овқат, гўшт маҳсулотлари дўкони, тикувчилик, этикдўзлик цехи каби сервис хизматлари фаолияти йўлга қўйилган.

Ипак қурти боқиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуасида ўттизга яқин киши доимий, ўнлаб кишилар эса мавсумий иш билан таъминланади.

Жорий йилда туманларда яна 14 та шундай мажмуа фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ақбар ҚАРШИЕВ

Сирдарё Вилояти

ҲАМКОРЛАР ҲИММАТИ

Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ва "Пенг Шенг" кўшма корхонаси томонидан Сирдарё туманидаги 5 та умумтаълим мактабига 50 та компьютер совға қилинди.

— Ушбу хайрия акцияси сирдарёлик ўқувчиларни шодлантирибгина қолмай, хитой-ўзбек ёшлари ўртасида дўстлик алоқалари мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади, — дейди элчи Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Чжан Сяо.

— Бундан кейин ҳам қатор хайрия акцияси тадбирлари ўтказишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди "Пенг Шенг" кўшма корхонасининг бош директори Жи Кюхай. — Қўшма корхонамишда айни чоғда 550 нафардан зиёд сирдарёлик ёшлар меҳнат қилишяпти. Коллежларнинг битирувчилари шу ернинг ўзиде амалиёт ўтаб, доимий иш ўринларига эга бўлишмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

Наманган Вилояти

ТАДБИРКОРНИНГ ТАШАББУСИ

Чортоқ туманидаги Каримжон Абдуллаев раҳбарлигидаги "Usta Adash-Abdulla Karim" хусусий корхонаси жамоаси автомобилларга ёнилги қўйиш, новвойхона ҳамда аҳолига савдосотик хизматини кўрсатиш билан машғул.

Тадбиркор Каримжон Абдуллаев ташаббуси билан туман марказида бундан беш йил муқаддам 500 миллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хитойнинг "JACK" фирмасида ишлаб чиқарилган 45 миң АҚШ долларлик замонавий тикшиш-бичиш дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. Натижада корхонада 50 та янги иш ўрни яратилиб, айни кунларда чевар хотин-қизлар томонидан йигирма турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, эркаклар ва болалар кийим-кечақларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бораётди.

Маъмур МУСУЛМОНОВ

Сурхондарё Вилояти

БОЙСУННИНГ БЕЖИРИМ ПАЙПОҚЛАРИ

Бойсун туманидаги "Бойсун покиза-тонг" хусусий корхонасида 22 турда пайпоқлар ишлаб чиқарила бошланди.

Замонавий хориж технологияси билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар арзон ва сифатлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Жорий йилнинг февраль ойида Кореядан худди шундай иккинчи ускуна олиб келиб ўрнатимиз, — дейди корхона раҳбари Ҳамза Мўминов. — Шунда яна қўшимча 7 та янги иш ўрни яратимиз ва маҳсулотимизни хорижга экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Чори ЖУМАКУЛОВ

Навоий Вилояти

СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА 2013 ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИДА САНОАТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. ХУСУСАН, "НАВОЙ" ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАДИГАН ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ҚАЙД ЭТИЛДИ.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Шўртангаз-кимё" УШК қошидаги "Полипропилен қувурлар" корхонаси "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган санот объектларидан бири. Корхона сифатли ва рақобатбардош полипропилен маҳсулотлари билан ички бозор эҳтиёжини қондирмоқда.

— Табиийки, ишлаб чиқаришга инновацион ишланма-

ларни жорий қилмасдан турлиб, мақсадга эришиш қийин, — дейди корхона раҳбари Мадия Сабитова. — Корхонамишда бугунги кунда 60 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Корхона Австралиядан келтирилган илғор ускуналар билан жиҳозланган. Маҳсулот ишлаб чиқаришни буюртмачи талабига кўра, ташкил этганмиз. Турли ўлчам ва ҳажмдаги ҳар томонлама қўлай қувурларимиз санотнинг деярли барча жабҳаларига етказиб берилляпти.

Маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар ака-

демияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг техник талабномаси асосида "Узстандарт" агентлиги руҳсати билан тайёрланмоқда.

Корхонада ўтган йилнинг сентябридан бошлаб оддий полипропилен ва йиғилдиган махсус туташтирувчи қисмлар ҳамда юк ташийишда қўлланиладиган полипропилен ленталарнинг мунтазам ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Уларнинг фойдаланишда қўлайлик ва афзаллик жиҳатлари кўп. Шу боис, бундай маҳсулотлар жуда харидордир.

Қувурлар пропилен ва этиленнинг зарур миқдордаги полипропилен рандом-



сополимер PPR (тип 3) полипропилен хомашёсидан тайёрланади. Аҳамиятлиси, полипропилен қувурлари зангламайди, емирилмайди, титрамайди, овоз чиқармайди, ҳатто сув музлаганда ҳам ёрилиб кетмайди. Босимнинг ва музлашнинг бир неча циклларида қочган электр тоқларини ўтказмаслик ҳам бундай қувурларнинг қимматини янада оширади.

Чидамли ушбу қувурлардан бугун Навоийнинг кенг бунёдкорлик ишлари олиб

борилаётган деярли барча иншоотларида фойдаланилаётди. Бундан ташқари қувурлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳсулотларни хорижга чиқариш ҳам режалаштирилмоқда. Бундай ҳаракатлар корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, унинг сифат жиҳатдан мустаҳкамланишига, асосийи, корхона молиявий имкониятларининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Абдурашул САТТОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.

тайёрлаш кўзда тутилган. Шунинг баробарида мамлакатимизнинг бир қатор корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, маҳсулотларни хорижга чиқариш ҳам режалаштирилмоқда. Бундай ҳаракатлар корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига, унинг сифат жиҳатдан мустаҳкамланишига, асосийи, корхона молиявий имкониятларининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

Абдурашул САТТОНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2012 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифалари тўғрисида

(Боши 1-саҳифада)

Фойдаланилмаётган захиралар ва ишлаб чиқариш қувватларини баҳолашдан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган дастурларга ҳудудларни комплекс ривожлантиришга, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб устувор йўналишларни белгилашга, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини, қурилиш ва қурилиш индустриясини, ахборот-коммуникация технологияларини ва хизматлар соҳасини жадал ўстиришга ҳисобга олиб ёшларнинг бандлигини таъминлашга, ҳудуднинг молиявий жиҳатдан ўзини ўзи таъминлашга эришишга ва субвенцияларни қамайтиришга алоҳида эътибор берган ҳолда тузатишлар киритилсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида шу йилнинг I чораги якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси минтақаларни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида кўриб борсин.

5. Иқтисодий вазирлиги (Саидова) тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мустақам ўзаро боғлиқлигини, ҳудудларнинг ўзига хос шароитларини, ҳудудларни комплекс ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришни таъминлаш юзасидан вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва шаҳаруви органлари билан ишларни қулайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрсин.

Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида I чора ва ярим йиллик якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари Иқтисодий вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Фуломов), ҳўжалик бирлашмалари — масъул ижроичилар билан биргаликда икки ҳафта мuddатда 2013 йилги иқтисодий дастурни бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳолатини танқидий ўрганиб чиқсинлар

ва ишлаб жадвалларига тузатишлар киритган ҳолда уларни амалга оширишни жадаллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Президиумида ахборот берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.И.Ибрагимов, “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясини (Басидов) икки ҳафта мuddатда буғ-газ электр станциялари қуриш лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш, электр энергиясини истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатишда технология йўқотишларни қисқартириш юзасидан комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодий вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев)ни жалб этган ҳолда манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш тўғрисидаги Фармони лойиҳасини тайёрлаш ва киритсин, унда Экспортни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жамғармасини ташкил этишни назарда тутади.

9. Вазирлар Маҳкамаси, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва институтлар билан биргаликда ҳар чорада жаҳон амалиётида қабул қилинган мезонларга мувофиқ мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ҳолатини баҳолаш якунларини чиқарсинлар ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ортиқча чеклашларни, бюрократик тўсиқларни ва бошқа тўғонларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсинлар.

Мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ҳолати ўзгариши натижалари ҳар чорада Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси (Азимов) Иқтисодий вазирлиги (Саидова), “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясини (Басидов), “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясини (Файзуллаев), “Ўзавтотўй” давлат-акциядорлик компаниясини (Абдуллаев), “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясини (Раматов), “Ўзкоммунхизмат” агентлигини (Холмухамедов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Холматов) билан биргаликда «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида 2013 йилда ишлаб чиқариш объектларига ўтказилган транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилишни жадаллаштириш жадвалларини икки ҳафта мuddатда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев), Иқтисодий вазирлиги (Саидова) ва Молия вазирлиги (Гуськова), Жиззах вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жиззах вилояти ва унга chegarдо ҳудудларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун инвестицияларни ҳамда илгор инновация технологияларини жалб этиш мақсадида эркин индустриал зона ташкил этиш бўйича барча тайёргарлик тадбирларини ва Хитой Халқ Республикасининг ваколатли органлари билан таъсис ҳужжатларини келишишни 2013 йилнинг I чорагида тугалласин.

12. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини раҳбарлари иштирокида «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги дастурда назарда тутилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳар чорада кўриб чиқилишини таъминласин, уларнинг бажарилишини жадаллаштиришга тўсиқлик қилаётган масалаларни ҳал этиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрсин.

13. “Ўзавтотўй” давлат-акциядорлик компаниясини (Абдуллаев),

Республика йўл жамғармаси (Шукуров), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантиришнинг 2013 йилга мўлжалланган параметрларини сўзсиз бажариш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўрсинлар.

Амалга оширилган ишлар тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

14. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясини (Раматов) темир йўл коммуникациялари ва транспортни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини бажарилишини икки ҳафта мuddатда танқидий баҳолаш ҳамда тармоқ жадвалларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни белгиланган ҳолда уларга аниқлаштиришлар киритсин, бунда 2013 йилда Мароканд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўли участкасини электр-тадбирлаш, 240 километр узунликдаги темир йўллари реабилитация қилиш ишларини ўз вақтида амалга оширишга, шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компаниясининг қуйиш-механика заводининг модернизациялашнинг тугаллашига алоҳида эътибор қаратсин.

15. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзохидов):

халқаро ва тармоқ стандартларини, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ахборотлаштириш даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторлари тизимини амалиётга жорий этиш ҳамда улар бўйича тизимли мониторинг олиб бориш; “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш Концепциясини ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шакллариини жорий этиш;

коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, ахборот узатиш тезлигини ошириш, 2 минг километрдан ортиқ толали - оптик тармоқлар қурилишни тугаллаш ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан юқори тезликда кенг по-

лосали фойдаланишни таъминлаш, Интернет тармоғида турли йўналишдаги замонавий маҳаллий веб-ресурсларни яратиш;

2013-2017 йиллар даврида Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг Комплекс дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун 2013 йил 1 апрелгача Вазирлар Маҳкамасига киритиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўмитани ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги Фармони ва қарорининг ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантиришнинг қабул қилинган дастурлари бажарилишини ҳар чорада кўриб чиқсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларини, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини (Хошимбеков), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Закиров), Иқтисодий вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), «Қишлоқ қурилиш банк» (Муллоахмедов) бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда жорий йилнинг февраль ойи охиригача қишлоқ жойлардаги яқка тартибда уй-жой қуриш мавзелада намунавий лойиҳалар бўйича уйдойлар, ташиқ муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этиш бўйича молиялаштириш ва қурилишнинг бошланғич таъминлашинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясини, «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компаниясини (Басидов) ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясини (Жўраев) раҳбарлари Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уй-жой қуришнинг тасдиқланган дастури параметрларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан шахсан жавобгарлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Қурилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар чорада Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров, «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Ўзмонтажмаҳсуқурилиш» уюшмаси (Шодиев) Иқтисодий вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсупов), «Ўзуқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясини (Акрамов), бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда жорий йилнинг 1 майгача бўлган мuddатда 2013-2015 йилларда қурилиш индустриясини ривожлантириш комплекс дастури лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар, унда бинокорлик ва пардозлаш материалларининг замонавий турларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, пудрат ташкилотларининг техник жиҳозланганлигини оширишни назарда тутсинлар.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларини, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда корхоналар раҳбарлари тармоқлар ва ҳудудлар бўйича 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг Олий Мажлиси томонидан маъқулланган асосий йўналишлари ва параметрларини бажариш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хайтов) 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) билан биргаликда ташкил этилаётган иш ўринлари кўрсаткичларининг ишончлиги юзасидан танланган ҳолда текширишлар ўтказсин ҳамда дастурнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўрсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорада ўз мажлисларида тармоқлар ва мамлакат ҳудудлари бўйича 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли банд-

лигини таъминлашнинг тасдиқланган дастури бажарилишини кўриб чиқсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига 2012/2013 ўқув йили касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, битирувчиларини ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш учун салоҳиятли иш берувчилар иштирокида вилоятлар марказларида бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш юзасидан шахсан жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлиги юзасидан назоратни, айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортган ҳолда қулайтирсин.

20. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда «Обод турмуш йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқилишини тугалласин ва киритсин, унда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари нормаларини янада такомиллаштириш, аҳолининг заиф қатламлари ва кам таъминланган оила-ларни давлат томонидан аниқ тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими самардорлигини ошириш, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт шарт-шароитлари ва сифатини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига давлат томонидан қўрсатилган хизматлар сифатини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутсин.

21. Мазкур протокол қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2013 йил 18 январь

Жиззах Вилояти

2013 йил – обод турмуш йили

ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ АЙЛИ

У тадбиркор, ташаббускор ва фаол

Хар касбнинг, ҳар хунарнинг сиру асори пухта эгалланса, гайрату шижоат бўлса, унинг самарасини кўриш мумкин. Жиззах туманилик Шарофат Нориева ана шундай меҳнатнинг мевасини татиётганлардан. У ака-ука, она-сингилларини ёнига олиб гулчилик билан шуғулланади. Шу мақсадда «Флора гуллари» масъулият чекланган жамиятини ташкил қилган. Ишнинг ҳадисини олган, ўқиб, изланган, интиланган тадбиркор аёл бугун гулчиликнинг барча асрорларини билади. Ер билан тиллашади, гуллари, кўчатлари билан сирлашади. Шунинг ортидан даромад оляпти, катта маъқега эришяпти, қолаверса, рағбатлантириляпти. Мана мисол, Шарофат Нориева «Йил аёли-2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида мутлақ ғолиб бўлди.

— Қизимнинг қатъияти, орзу-ниятларининг ойдинлиги мени қувонтиради, — дейди отаси Эргаш бобо Нориев. — Ер инсонни кийдиради, тўйдирди, ризку барака инъом этади. Мен ҳаётим давомида шунга тўла икорор бўлдим. Ота дуоси — олтин. Уни ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайди. Ростда, бир дунё орзу-ниятлар билан ўстирган ўғил-қизларнинг аҳил, иноқ, бунинг устига, меҳнаткаш, камтар, ҳаётда ўз ўрнини топган инсонлар бўлиб шаклланса, ўз фикри, матлабига эга бўлса, ота-она учун бундан ортиқ бахт ва толе борми?! — Бир парча ерда гул кўчатлари етиштирилган иш бошланган эдик, — дейди Шарофат. — 3 миллион сўмга голланд гуллари уруғини олиб келиб, тайинли кўчат ололмаган пайтларимиз ҳам бўлган. Шукрки, ташвишлар ортда қолди. Эндиликда иқлимимизга мос гуллари, мевали ва манзарали даракларнинг янги навларини етиштириш устида ишляпмиз. 2011 йилда «Асак» банкдан имтиёзли кредит маблағи олинган, «Флора гуллари»нинг ишлари янада юришди. Ҳозир тасарруфда 30 гектар ер майдонини бор. Жиззах туманининг Олмачи ва Сўлоқчи қишлоқлари ҳудудидаги ана шу ерларда турли гул ва манзарали дарак кўчатлари, шунингдек, шаҳар хуснига зеб берувчи чим ўстирилади. Яқиндан бошлаб анор ва ток кўчат-

лари парвариш қилинмоқда. Ернинг қолган қисми боғ-роғлардан иборат. Жамият ихтиёридаги 0,5 гектарлик иссиқхона қишда ҳам яшил тусда. Аҳолининг талаб ва эhtiёжларини ўрганиб чиққан жамоа бу йил янгилек сифатида 2 гектар ерда исмалок етиштиришни йўлга қўйди. Борликда қиш ҳукмронлик қилаётган шу кунларда ҳам «Флора гуллари»да иш қизгин. Бири-биридан гўзал, дуркун ниҳолларни кўриб, баҳри-дилгингиз очилади. Лоланинг ўйнаб навлари, петунья, сальвия, катранус, георгина, гансалия каби гуллар ерда, қора шаҳзода, бегония, тугтул, Вашингтон пальмаси каби элликан ортик номдаги гуллари эса тувакларда кўпайтирилмоқда. Жамоа эрта баҳоргача 1 миллион туп гул кўчати етиштиришни режалаштирган. Аммо Шарофат Нориевнинг фикрича, бу рақамни 3 миллион тупга етказиш имконияти бор. Бундан ташқари, аҳолига 100 минг туп мевали ва манзарали дарак кўчатлари тортиқ этишмоқчи. Айни чоғда 30 нафар ишчи ана шу мақсад йўлида астойдил ишлаётир. Нориевлар хонадонининг барча ўғил-қизлари, келинлар, кувёлар ва ҳатто неваралар ҳам гулчиликка меҳр қўйишган. Истиклолимизнинг қутлуг 21 йиллик аёлими арафасида Шарофат Нориева пойтахтдан тўлиб-тошиб қайт-



ди. У қишлоқ аёлларини иш билан таъминлашга қўшган ҳиссаси учун Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш республика фонди томонидан ташкил этилган «Замонавий ўзбек қишлоқ аёли» кўрик-танловининг ғолибларидан бири бўлди. Шарофат оқсак орзу ва умидлар билан яшаётган юртдошларимизнинг бири. Агар унинг қалб гўзаллигини тўла идрок этишни истасангиз, Жиззах шаҳрининг кенг ва раван кўчалари, хиёбонлари, диққатга сазовор жойларида эрта баҳордан кеч кузгача барқ зериб, яшнаб, очилиб турган анвойи гуллари томоша қилинг, улардаги гўзалликлардан заъқ олинг, қалбингизни беғубор орзуларга ошно этинг. Яна бир хушхабар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш

Хоразм Вилояти

ТАЪМИНОТ

ЖАЙХУНДАН ЭКИН ЖўЯГИЮ ХОНАДОН ЖўМРАГИГАЧА...

Деҳқон даласига жилдирабгина кираётган обихаёт қанча йўл босганлигини, ҳосилдорлик ошишига омил бўладиган сувнинг бу ергача келишида қанча-қанча кишининг меҳнати борлигини биласизми?

Курбонбой БОБОЖОНОВ, Туямўйин гидроузелини тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи.

Бу айниқса, Амударёнинг куйи оқимида жойлашган Хоразм воҳаси учун ниҳоятда долзарбдир. Шу боис, деҳқонларимиз эришаётган муваффақиятларда жамоамизнинг ҳам ҳиссаси бор, дея айта оламиз. Миришкорларга камарбаста бўлаётганимиз, шу тарика обидликка, фаровонликка ҳизмат қилаётганимиздан фахрланамиз. Зиммамизга Туямўйин гидроузели таркибига кирувчи мураккаб гидротехник иншоотларни доимий ишчи ҳолатида сақлаш ва бир маромда ишлаштириш, улардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти қишлоқ ҳўжаёл тармоғи учун обихаёт ва аҳолини ичимлик суви билан қамраб олиш бўйича таъминлашдек масъулиятли вазифалар юклатилган. Сув таъминотида узилишлар бўлмаслиги учун ўтган йил мубайнида гидроузели объектларида мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари

шўрланган майдонларни ҳар гал 2000 м³ сув билан уч марта сўғориш талаб этилади. Шу тарика ҳар йили 10600 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари орқали далалардан 7-9,5 миллион тонна зарарли тузлар чиқариб юборилади. Президентимизнинг “Исом тараққиёт банки” иштирокида Хоразм вилоятида Тоғсоқа тизими магистрал сўғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳасини амалга ошириш бўйича қарори сувдан унумли фойдаланиш борасида муҳим дастуриламал бўлди. Лойиҳага асосан вилоят сув истеъмолчилари уюшмаларида сув таъминотини яхшилаш, ундан фойдаланиш ҳисоботи ва мониторингини юритишга доир семинар-тадбирлар ўтказилиб, сув таъминотининг фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятига таъсири доимий мониторинг қилиб борилмоқда. Шунингдек, сув ҳўжаликлари учун сув таксимотига доир иш режаси ишлаб чиқилди. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг воҳамиз сув тизими соҳасига бўлган эътибори ва қўрсатилган амалий ёрдамларига ўзимиз билан жавоб берамиз. Сирасини айтганда, даладаги экин жўяғи учун ҳар хонадон жўмрагида доимо обихаёт бўлишига эришиш, бунинг учун бор имкониятимизни ишга солиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Жўра МАМАТҚУЛОВ

«ХУРШИД – АТОМ ДУР, ОЙ – АНО...»

Шарқда қадимдан етти сайёра, тўққиз фалак тушунчалари машҳур бўлган. Ерга яқинлигига қараб, Ой – биринчи, Аторуд (Меркурий) – иккинчи, Зухра (Венера) – учинчи, Күёш – тўртинчи, Миррих (Марс) – бешинчи, Муштарий (Юпитер) – олтинчи, Зуҳал (Сатурн) – еттинчи фалакда деб тасаввур қилинган. Тўққиз фалак деганда, ушбу сайёраларга яна иккита қўшилади: «Фалакки савобит» (турғун фалак) – буржлар. Бу – саккизинчи осмонда бўлади. Фалак ул-авлок (Фалаклар фалаги) – тўққизинчи осмон. Тўққизинчи фалак деганда осмоннинг энг юқори қисми тушунилади.



Навоний гулшани

Бошни фидо айла ато қошига, Жисмини қил садқа ано бошига. Тун-қунига айлагали нур фош, Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

“Отаннинг қошига бошингни фидо, онаннинг бошига жисмингни садқа қил. Бирин тунингни ёри-тадиган ой, иккинчисини кунингни чароғон қиладиган қуёш деб бил”.

мумкин” деган фикрни билдиради. Навонийшунс Иброҳим Ҳаққул эса “Шоир газалидаги “ўн саккиз минг олам” тасаввуф шеърятдаги бадиий тимсоллардан бири бўлиб, у Ҳақ ошиқларнинг зоҳирий оламига эмас, балки ботиний оламига дахлдордир” дея мулоҳаза қилади.

Етти сайёранинг ҳар бири бир ранг билан боғлиқ: Кайвон – қора, Күёш – сариқ, Ой – яшил, Миррих – қизил, Аторуд – нилуфара (мовий), Муштарий – сандал, Зухра – оқ, Навоний етти рафташ шу етти сайёра номи билан боғлаб, “Сабаъи сайёр” дostonида Баҳром ҳар кун би қасрда шаба кун – қора, яқшанба кун – сариқ, душанба кун – яшил, се-шанба кун – қизил, чоршанба кун – нилуфари, пайшанба кун – сандал тусли, жума кун – оқ рангли қасрда етти иқлимдан келган мусофирлар ҳикоясини эшитади, яъни “Ҳамса”нинг “Сабаъи сайёр” – “Етти сайёра” дostonида ҳафта кунларининг сайёра номи билан аталганлигига асосланиб, етти кун ҳомиёси етти сайёра сифатида талқин қилинади ва Баҳромнинг етти рангли қасрда етти сайёҳдан ҳикоя тинглаши, ҳар бир қўшқ ранги бир сайёра кўриниши сифатида тушунилади.

Диний тасаввуфлар ва тасаввуф фалсафасига кўра, ўн саккиз минг олам мавжуд. Бу тушунча коинотнинг бепоёнлиги ва мавжудотнинг беҳисоблигини англатади. Ўн саккиз минг олам деганда Навонийнинг машҳур байти хотирада жонланади:

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур, Не ажиб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.

“Менинг гўзал маҳбубамнинг ёши ўн саккизда, бинобарин, унинг бошида ўн саккиз минг оламнинг савдоси бўлса, бунирг сира ажабланидиган жойи йўқ”.

Бу байт адабиётшунос олимлар ўртасида кўп баҳсу тортишувларга сабаб бўлган. Масалан, академик Алибек Рустамов “Навонийнинг сарвинозим агар ўн саккиз ёшда бўлмаганда, у “ўн саккиз минг олам” иборасини ишлатмаган бўлур эди” деб ёзса, Нусратулло Жумаҳжон “Бу байтда ўн саккиз яшар қиз эмас, ақлу хулқда, илму донишда етук, ҳар жиҳатдан баркамол балоғат ёшидаги йигит тасвирланган бўлиши ҳам

Навоний Баҳромни – Миррих, Дилоромни – Зухрага ҳаҳради. Маълумки, Миррих – қўшамонлик ва жангу муҳориба тимсоли бўлса, Зухра – гўзаллик ва санъат рамзи.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ оирлари самовот – сайёралар, юлдузлар, буржлар, осмон ҳодисалари билан боғлиқ тасаввур-тушунчалардан ҳам ўз фикрларини гўзал ва таъбирсиз ифодалашда маҳорат билан фойдаланганлиги, бу эса, ўз навбатида, уларнинг оламнинг яратилиши билан боғлиқ қадимий қарашлар, афсона-ривоятлар, самовий жисмларнинг ҳойлалиши ва ҳаракати, осмон ҳодисалари борасида маълум билим ва тушунчаларга эга бўлганликларидан далолат беради.

Эргаш ОЧИЛОВ, Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоний номидаги тил ва адабиёти институти катта илмий ходими.

Ҳар бир сайёра муайян нарса-тушунчаларнинг тимсоли ҳисобланган. Айтилик, Күёш тириклик рамзи бўлганлиги учун “кун подшоҳи”, “Шарқ шоҳи”, “юлдузлар султони”, “тонг подшоҳи”, “Шарқ турки”, “тонг шунқори” каби кўпдан-кўп сифатлар билан улуғланган. Чунинчи, Навоний машҳур фазалини шундай бошлайди.

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти, Шиоъий хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.

Яъни “Саҳар пайти Шарқ подшоҳи ўзининг сипоҳу хизматқорлари билан фалак узра чиқиб келди, тоғлар узра шувласи хати билан олтин зарҳал хат битди”.

Бундан ташқари, у хуснда тоқ машуканинг ва гўзал юзунинг тимсоли бўлиб келади. Шу ўринда, кичик Алишернинг малик ул-калом Лутфийни қойил қолдириб, забардаст шоирнинг таҳсинига сазовор бўлган машҳур байти ёдга келади:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш.

Яъни “Күёш ботиб, қоронғилик тушгач, кўк юзини юлдузлар қоплагани каби, ёр юзини бекитгач, интизорликда кўзимдан кўзимга ёшлар сочилади”.

Бу ерда санъаткор шоир ёр юзини кўришдан маҳрум бўлиб, кўзларидан ёшлар оқшини қуёш ботганидан кейин осмонга юлдузлар чиқиб келишига ўхшатган.

Маъшуқа юзини қуёшга, ошиқ кўз ёшини юлдузларга нисбат бериш Шарқ мумтоз шеърятда бир анъана тусини олган. Кавкази сайёра – сайр қилувчи юлдуз ҳам кўздан муттасил оқиб турувчи кўз ёши маъносини билдиради. Чунинчи, Навоний ёздаи:

Турган ёшимни оқиздилар ул ой фироқида, Собитларимни кавкази сайёра қилдилар.


Яъни “У ойдан гўзал маҳбуба фироқида кўзимдан ёшимни оқиздилар – ўз ўрнида устувор турган нарсани сайр этувчи юлдуз каби ўрнидан кўзгатиб юбордилар”. Яна ҳам сoddароқ айтганда, ёш кўзда турган эди. Ердан айрилгач, у тўқила бошлади.

Күёш ва ой гўзаллик тимсоли бўлганлиги учун ҳам Навоний бир газалида маҳбубани таърифлар экан, отанг – кўёшу онанг – ой бўлганлиги, шу икки гўзал хилқатдан яратилганлигини учун ҳам сен гўзалларнинг шоҳисан, ҳусн давлатининг соҳибсан дейди:

Эй хусн аро соҳибгину: хуршид – атомдур, ой-ано... Яна бир байтида:

Ой, кун ато бирла ано, фарзанд сен бўлсанг не тонг – Ким, сен саминдурсен, валеқ ул икки андоқим садаф.

Яъни “Агар сен фарзанд бўлсанг, ой билан қуёш ота билан она. Гўё сен қимматбахо гавҳарсану улар иккалси сени бағрида парваришлаган садаф”, дейди.



Күёш ва ойнинг дунё асосини ташкил этувчи ёритқичлар эканлиги, гўзал ва ягоналиги, домий ҳаракатда бўлиб, беминнат нур ва ҳарорат таратиши, кеча-кундуз инсоннинг ҳамроҳи эканлиги учун ҳам қадимдан улар муқаддас саналиб, қуёш – ота, ой – онага қўёсланган. Навонийнинг машҳур мисраларини эслайлик:

○ Ижтимоий реклама

2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уйи сотиб олиш имконияти;
- Қўлай шартлар: бўён, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раво бўлган эга;

Оиламиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағини оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарти ҳамда оилавий таъбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди;

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.

Замонавий қурилиш маълумоти ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат қаранти;
- Улгурчи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш маълумоти.

Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- “Камолот” ЕИХ бўлиmalarига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- Қишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Қишлоқ қурилиш инвест филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.aqfb.uz
e-mail: headoffice@aqfb.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдижаҳон ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ойнолулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона – 236-58-83, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 236-56-25, Факс – 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99891) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар.

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиш: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА